

ISSN 2181-0000
Doi Journal 10.26739/2181-0000

JOURNAL OF MAMUN SCIENCE



Volume 4, Issue 4 **2026**



ISSN 2181-0000
Doi Journal 10.26739/2181-0000



«MAMUN SCIENCE» JURNALI

4 JILD, 5 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

TOM 4, HOMEP 5

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 4, ISSUE 5



TOШKENT-2026

«MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «МА'МUN SCIENCE» | JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

№5 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0000-2026-5>

Бош мухаррир: | Главный редактор:
Chief Editor:

Matyakubov Umidjon Raximovich
(i.f.d., prof.)

Бош мухаррир ўринбосари: | Заместитель
главного редактора: | Deputy Chief Editor:

Xudonazarov Egambergan Madrahimovich
(PhD., dots.)

TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

FILOLOGIYA FANLARI

O'rozboyev Abdulla Durdibayevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Axmedov Oybek Saporboyevich

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Galiyeva Margarita Rafaelovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Nasrullayeva Nafisa Zafarovna

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Samarqand davlat chet tillari instituti

Cho'ponov Otanazar Otojovich

Filologiya fanlari doktori (DSc)

Urganch davlat universiteti

Yakubova Matluba Tajibayevna

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Matnazarov Javlanbek Kabulovich

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

TARIX FANLARI

Anatoliy Sagdullayevich Sagdullayev

Tarix fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi Fanlar

akademiyasining haqiqiy a'zosi

Ashirov Adhamjon Azimbayevich

Tarix fanlari doktori, professor,

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasi Tarix instituti.

Shaydurov Vladimir Nikolayevich

Tarix fanlari doktori, dotsent

Leningrad davlat universiteti Rossiya

Abdullayev Utkir Ismoilovich

Tarix fanlari doktori (DSc),

dotsent Urganch davlat universiteti

Matkarimova Sadoqat Maqsudovna

Tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Timur Pulatovich

Tarix fanlari nomzodi, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdalov Umidbek Matniyazovich

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

PSIXOLOGIYA FANLARI

Shoumarov G'ayrat Baxromovich

Psixologiya fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi

Kryukova Tatyana Leonidovna

Psixologiya fanlari doktori, professor

Kostroma davlat universiteti Belorusiya

Karpinskiy Konstantin Viktorovich

Psixologiya fanlari doktori, professor

Grodno davlat universiteti Belorusiya

Urazbayeva Dilbar Abdullayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Jumaniyazova Nasiba Ramatillayevna

Psixologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

IQTISODIYOT FANLARI

Ruzmetov Baxtiyar

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ma'mun Universiteti NTM

Sherov Alisher Bakberganovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Voronsova Yuliya Vladimirovna

Iqtisodiyot fanlari nomzodi

Moskva davlat boshqaruvi universiteti

Jabborov Umarbek Rustambekovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Cho'ponov San'at Otanazarovich

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Niyazmetov Islambek Masharipovich

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

PEDAGOGIKA VA FALSAFA FANLARI

Sardor Sharifzoda O'razboy Tabib o'g'li

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), professor

Ma'mun Universiteti NTM

Adilov Zafar Yunusovich

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

Boltayev Abdurahim Amanovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Zoirov Erkin Xalilovich

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Buxoro davlat texnika universiteti

Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

TIBBIYOT FANLARI

Yuldashev Baxrom Sobirjanevich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

Abdullayev Ravshanbek Babajonovich

Tibbiyot fanlari doktori, professor

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Esamuratov Aybek Ibragimovich

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Samandarova Barno Sul'tonovna

Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

Tajiyeva Zebo Baxodirovna

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

ILMIY JURNAL TEXNIK KOTIBI

Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li

Ma'mun Universiteti NTM

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации
основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением
№ 01-08/3068/17 от 27 сентября 2024 г.

Page Maker | Верстка | Саифаловчи: X. Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

FILOLOGIYA

1	Svetlana Safarova Satimovna. XORAZM VOHASINING QUYI VOLGA VA JANUBIY SIBIR HUDUDLARI BILAN MADANIY ALOQALARINING TARIXIY MANBALARDA VA TADQIQOTLARDA AKS ETISHI.....	7
2	Yaqubova Shahribonu Davron qizi. HUQUQIY HUIJATLAR TARJIMASIDA ANIQLIK MASALASI.....	13
3	Matyakubov Hakimboy Xamidjonovich. OLAMNING ONOMASTIK MANZARASINI TADQIQ ETISHDA MAKON NOMLARINING STRATIGRAFIK (QATLAMLANISH) TABIATINI ANGLASH.....	15
4	Jabborova Dilnavoz Allaberganovna. MUNIS IJODIDA AN'ANAVIYLIK VA NOVATORLIK.....	19
5	Ёриева Зарифа Хамраевна. ЖОН СТЕЙНБЕК ВА УЛУҒБЕК ХАМДАМ НАСРИДА ЗАМОН-МАКОН МОДЕЛИ ВА ШАХС РУҲИЯТИНИНГ КЕНГҚАМРОВЛИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	23
6	Narziyeva Inobat Zoirovna. O'ZBEK ADABIYOTIDA KICHIK YOSHDAGI BOLALAR OBRAZINING PSIXOLOGIK TALQINI.....	27
7	Karimova Shaxnoza Karimovna. Atoyeva Zarinabonu Yigitali qizi. MODERNISTIK SHE'RIYATDA ANAFORANING BADIY VAZIFALARI.....	31
8	Алламуратова Гулсанем Жалгасбаевна. ЯДЕРНЫЕ КОМПОНЕНТЫ ИДИОСТИЛЯ: КОРПУСНЫЙ АНАЛИЗ ПОЭТИКИ БАЛЬМОНТА И БРЮСОБА.....	36
9	Шамсутдинова Галия Шамилевна. КЛАССИФИКАЦИЯ НАЗВАНИЙ ЖИЛИЩ В ХОРЕЗМЕ.....	42
10	Yakubova Matluba Tajibayevna. NEMIS - O'ZBEK MAQOLLARINING TARJIMA MUAMMOLARI VA EKVIVALENTLIK MASALASI.....	46

TARIX

1	Babadjanov B. "O'ZBEKISTON SIYOSIY PARTIYALARINING GENEALOGIYASI VA SIYOSIY-G'OYAVIY ASOSLARI".....	51
2	Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li XIVA XONLIGI QOZILIK HUIJATLARIDA YER OLDI-SOTDISI VA VAQF IJARA MUNOSABATLARINING HUQUQIY RASMIYLASHTIRILISHI.....	55
3	Atayeva Dilfuza Pulatovna. O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASI ORQALI XOTIN-QIZLARNING IQTISODIY FAOLLIGINI OSHIRISH.....	57
4	Babadjanov B. "O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY STRATEGIYASI".....	61
5	Yusupov Axmedjon Shonazarovich. OROLBO'YI ILK SAK QABILALARINING ETNO-MADANIY GENEZISI YUZASIDAN BA'ZI MULOHAZALAR.....	65
6	Otaxonova Intizor Norimboy qizi. URGANCH DAVLAT UNIVERSITETIDA XALQARO HAMKORLIK ALOQALARINING RIVOJLANISHI.....	71
7	Nurmetov Ismoil Alimbayevich. O'ZBEKISTONDA TABIIY HUDUDLAR MUHOFAZASI.....	75
8	Садиков. А. И. ҚОРАҚАЛПОҚ ХУДУДЛАРИДА АНЪАНАВИЙ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	82
9	Саидов Шавкат Жумабаевич. ХХСРНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТАН ОЛИНИШИДА БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ЎРНИ.....	88
10	Ermanov Alisher Bekmuratovich. TOTALITAR TUZUM DAVRIDA QORAQALPOQ OXUNLARI FAOLIYATI.....	94

PEDAGOGIKA

- 1 **Jumaniyozova Donoxon Olimboyevna.** PEDAGOG KADRLARNI TAYYORLASHDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING AHAMIYATI..... 97
- 2 **Radjapova Feruza Abdullayevna.** ADAPTIV SUN'IY INTELLEKT ASOSIDA PEDAGOGIK MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALARINING DIDAKTIK TASNIFI..... 101
- 3 **Egamova Anbarjon Atanazarovna.** KONSTRUKTIV FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISHDA MOTIVATSIYA VA EMOTSIONAL-INTELLEKTUAL OMILLARNING O'RNI..... 106
- 4 **Xudayberganov Shuhrat Shavkat o'g'li.** AKADEMIK ERKINLIK SHAROITIDA BO'LAJAK PEDAGOG KADRLARNING ILMIY-TADQIQOTCHILIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMLARI (XORIJIIY UNIVERSITETLAR TAJRIBASI MISOLIDA).... 111
- 5 **Atajanov Adilbek Yuldashevich.** OTM PEDAGOG XODIMLARINING ISH O'RNIDAGI FUNKSIONAL TAYYORGARLIGINI OPTIMALLASHTIRISHDA WFSIP PEDAGOGIK MODELINING NAZORATLI SINOV NATIJALARI..... 117
- 6 **Kurbonboyev Xudoyshukur Maqsudboy o'g'li.** OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING JISMONIY TAYYORGARLIGINI KROSSFIT MASHG'ULOTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH METODIKASI: DOLZARBLIK, O'RGANILGANLIK DARAJASI VA PEDAGOGIK YECHIMLAR..... 125

PSIXOLOGIYA


- 1 **Kalandarova Madina Baxadirovna.** TUG'RUQDAN KEYINGI DAVRDA AYOLLARNING ONALIKKA MOSLASHUVIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOY-PSIXOLOGIK OMILLAR..... 133
- 2 **Xudoyberganov Doniyorbek Yangiboy o'g'li.** ZAMONAVIY TALABALAR HAYOTIY STRATEGIYALARI VA COPING-XULQ-ATVOR XUSUSIYATLARI O'RTASIDAGI O'ZARO BOG'LIQLIK..... 138

IQTISOD

- 1 **Sattarova Mahfuza Dilshodbekovna. Raximov G'anisher Alisher o'g'li.** SOLIQQA SOLISH TIZIMLARINING XALQARO TASNIFI VA ZAMONAVIY RIVOJLANISH TENDENSIYALARI..... 143
- 2 **Maxmudov Jasurbek Ergashevich.** INVESTITSION SALOHIYAT TUSHUNCHASINING IQTISODIY MAZMUNI VA UNING HUDUDIY RIVOJLANISHDAGI O'RNI..... 147
- 3 **Mavlanova Barchinoy Shonazar qizi. Zakirova Gulnoza Qudratovna.** O'ZBEKISTON MEHNAT BOZORIDA YOSHLAR BANDLIGI: STRUKTURAVIY NOMUTANOSIBLIKLAR VA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA STRATEGIYALARI..... 153
- 4 **Zaripov Xurshid Zakir o'g'li. Ruzmetova Gulira'no Atabekovna.** RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH: O'ZBEKISTON TAJRIBASI VA MUAMMOLARI..... 157
- 5 **O'rinboyev Ulug'bek Otabekovich. Niyozmetov Doniyor Rejabbayevich. Bekbergenov G'ayrat Shuxratovich.** O'ZBEKISTONDA RAQAMLI FISKAL BOSHQARUV: DAVLAT BUDJETI SHAFFOFLIGI VA MOLIYAVIY NAZORAT SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILLARI..... 163
- 6 **Pardayeva Ozoda Mamayunusovna.** TURIZM SOHASIDA OILAVIY TADBIRKORLIK TUSHUNCHALARINING MAZMUN VA MOHIYATIGA ILMIY-NAZARIY YONDOSHUVLAR..... 168

Садиков. А. И

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети докторанти

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХУДУДЛАРИДА АНЪАНАВИЙ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР
ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20707511>

Аннотация: Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Қорақалпоқ худудларида анъанавий мактаб ва мадрасалар фаолияти тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган. Мақолада мактаб таълимида савод чиқариш, Қуръон ўқитиш ва ахлоқий тарбия масалалари, шунингдек, мадрасаларда араб тили, мантиқ, фикҳ ва тафсир каби фанларнинг ўқитилиши ёритилган. Шу билан бирга, таълим тизимининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни манбалар асосида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: анъанавий таълим, мактаб, мадраса, Қорақалпоқ, Амударё бўлими, қўлёзма манбалар, фикҳ, тафсир.

Аннотация: В данной статье на основе исторических источников анализируется деятельность традиционных школ и медресе в каракалпакских регионах в конце XIX – начале XX века. Рассматриваются вопросы начального обучения, изучения Корана и нравственного воспитания в мектебах, а также преподавание арабского языка, логики, фикха и тафсира в медресе. Особое внимание уделяется социально-экономическим основам системы образования и её роли в общественной жизни региона.

Ключевые слова: традиционное образование, мектеб, медресе, Каракалпакия, Амударьинский отдел, рукописные источники, фикх, тафсир.

Annotation: This article analyzes the activities of traditional schools and madrasas in the Karakalpak regions at the end of the 19th and beginning of the 20th centuries based on historical sources. It examines primary education, Qur'anic studies, and moral training in maktab, as well as the teaching of Arabic language, logic, fiqh, and tafsir in madrasas. The study also highlights the socio-economic foundations of the educational system and its role in the social life of the region.

Keywords: traditional education, maktab, madrasa, Karakalpak region, Amu Darya division, manuscript sources, fiqh, tafsir.

Кириш. XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё бўлими ва қорақалпоқлар яшаган худудларда таълим тизими асосан анъанавий мактаб ва мадрасалар негизида шаклланди. Ушбу таълим муассасалари нафақат диний билим бериш, балки жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва илмий салоҳиятини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутган. Мактабларда савод чиқариш, Қуръон ва одоб-ахлоқ асослари ўқитилган бўлса, мадрасаларда араб тили, мантиқ, фикҳ, тафсир ва ҳадис каби илмлар босқичма-босқич ўргатилган.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, совет даври тадқиқотларида анъанавий таълим тизимига асосан бир ёқлама, мафкуравий ёндашилган ва унинг илмий ҳамда маънавий

аҳамияти тўлиқ очиб берилмаган. Шу сабабли мазкур мақолада кўлэзма ва тошбосма манбалар, музей ва шахсий архив материаллари асосида Амударё бўлимидаги анъанавий мактаб ва мадрасаларнинг ўқув тизими, дарсликлари ҳамда мударрислар фаолияти таҳлил қилинди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Бугунги кунгача Қорақалпоғистоннинг таълим тизими маълум даражада ўрганилган. Хусусан, Амударё бўлими анъанавий таълим масаласи илмий адабиётларда ёритилган бўлиб, айниқса совет даврида Ж.А. Урумбаев ва Дж. Дуйсенғалиевлар [8.Б.3], томонидан бу мавзуга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда таълим тизими кўп ҳолларда совет мафкурасидан келиб чиқиб ёндашилган бўлиб, уларнинг фикрича таълим диний мазмунда бўлиб, дунёвий фанлар деярли ўқитилмаган ва у ортда қолган, эшонлар ва муллалар эса империя амалдорлари билан бирлашиб, оддий халқни эксплуатация, яъни уларнинг меҳнати ва бойлигини ўз манфаъатлари учун ишлатган, деган хулосани беради. Ундан ташқари, Ж. Базарбаев ва Т. Изимбетов кабиларнинг асарларида [4.Б.7] ҳам анъанавий таълим тизимига ноҳолис баҳо берилиб, ўша даврдаги халқнинг маънавий-маърифий салоҳияти ва ахлоқий етуқлиги етарлича қадрланмаган. Мустақиллик йилларида ушбу соҳага ҳолисона ёндашган тадқиқотчи олим М. Қарлыбаев [10.Б.130] асарларида таълим тизимининг умумий хусусиятлари ёритилган.

Мазкур тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил ва манбашунослик усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида анъанавий мадрасаларнинг ўқув дастурларида ўқитилган айрим китоблар таҳлил қилиниб, улар олдинги тадқиқотлар билан қиёсий ўрганилди. Шунингдек, қорақалпоқларнинг илмий муҳитида кенг тарқалган ва Ислом оламида муътабар саналган асарларнинг мазмуни ҳамда уларнинг жамият илмий салоҳиятини шакллантиришдаги ўрни ёритилди.

Тадқиқотда мазкур китобларнинг илмнинг турли соҳаларини қамраб олганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Асосий қисм. Кўлэзма манбалардан маълум бўлишича, анъанавий мактаб таълими нафақат ўқув дастури, балки муайян урф-одат ва маросимлар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилган. Болани мактабга олиб келиш жараёни ҳам ўзига хос тартибга эга бўлиб, бола олти ёки етти ёш бўлганда ота боласини етаклаб устоз олдига олиб боради. Одатда оталар курук қўл билан бормастан устозга нон ёки бошқа совға кўтариб боради [15.Б.5].

Дастлабки босқичда болаларга керакли дуолар ўргатилган. Ундан сўнг алифбо ва “абжод” [17.Б.47.] асосида савод чиқаришга ўтилган. Ўқитиш жараёни асосан ёдлаш ва такрорлаш усулига таяниб, Қуръон суралари кетма-кетликда босқичма-босқич ўргатилган. Ҳар бир янги сурани ўзлаштириш баробарида ота-она тарафидан устоз ва фарзанд муайян даражада рағбатлантирилиб борилган. Бу албатта, боланинг иштиёқини ошириш билан бирга устознинг моддий эҳтиёжини қондириб, таълимга бўлган ғайратини оширган.

Манбаларда кўрсатилишича, ўқувчилар маълум босқичларни тугатганларида, масалан “Таббат” ёки “Ҳафтияк”ни [9.Б.112] ёд олгандан сўнг, ота-оналар томонидан домлага танга, озиқ-овқат ёки қўй сўйиб меҳмондорчилик билан сийлаганлиги айтилади. Ўқитувчиларнинг тез-тез бундай моддий эҳтиёжини қондиришга бўлган талаб мактаб таълимининг узвийлигини сақлаб қолиш мақсад қилинган. Чунки, М. Қарлыбаевнинг таъкидлашича, «Бошланғич мактабларни сақлаш учун давлат томонидан (1873 йилдан кейин) ҳеч қандай маблағ ажратилмаган. Агар масжиднинг вақф мулки бўлса, ундан тушган даромаддан устозга ҳам улуш берилган. Аммо кўпинча устоз болалар ёки уларнинг ота-оналари олиб келган совғалар билан қаноатланарди» [10.Б.28].

Бошланғич босқични сабоқларни муваффақиятли яқунлаган ўқувчиларга кейинчалик “Чор китоб” каби диний ва ахлоқий кўрсатмаларни ўз ичига олган адабиётлар ўргатилган. Шу тариқа, ўқувчининг таълими билан бирга унинг одоб-ахлоқини ҳам юксалтириш мақсад қилинган. М. Қарлыбаевнинг фикрича «Чор китоб» форис тилида ва бироз мураккаблиги сабабли айрим қисmlари мактабдан кейинги мадраса босқичларида ўргатилган [10.Б.32]. Табиийки, «Чор китоб» мактаб ёшидаги ўқувчилар учун анча мураккаб асар ҳисобланган.

Бунга сабаб, унинг форс тилида ёзилгани ҳамда мусулмон киши билиши лозим бўлган ҳукмлар жамланганлиги боис ўқувчилардан уни тўлиқ ёд олиш талаб этилганидир. Бу ҳолатни Бердақнинг “Чор китобдан тура қочдим” [6.Б.40] деган сўзлари ҳам тасдиқлайди, яъни асарни ёдлаш жараёни ўқувчилар учун анча қийин кечганини кўриш мумкин. Дарвоқе, Бердақнинг бу сўздан «Чор китоб»нинг мазмунини салбий маънода тушуниш нотўғри. Шунингдек, Бердақ сўзининг давомида мактабда ўқитиладиган Навоий ва Фузулий каби шоирларнинг асарларини ҳам тилга олган. Ҳақиқатдан, кўлёзма манбаларга кўра, “Чор китоб” тугатилгандан сўнг ўқувчиларга “Навоий” [14.Б.35], “Мирзо Бедил”, “Мантиқ ут-тайр” [3.Б.60] ва Хожа Ҳофиз Шерозий девони ўргатилган. Кейинги босқичларда “Маснавий-нозим” каби асарлар мутолаа қилинган бўлиб, бу жараён ўқувчининг мустақил ўқиш ва тушуниш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилган. Бердақ шоирнинг шеърида «Бедил, Аттор, Бидаяни такрорлаб оттирдим тонгни» сўзи ҳам юқоридаги китобларнинг босқичма босқич ўқитилишига далолат қилади. Шоирнинг сўзидаги «Бидая» ва шеър охиридаги «Ҳидаяни излар эдим» [6.Б.41] каби китоблар мадраса босқичидаги китобларга ишора қилади.

Манбалардан кўришиб турибдики, маълум бир китобни тугатиш ҳар сафар ота-оналар томонидан домлага ҳадя (танга, озуқа ва бошқалар) бериш билан бирга кечган, бу эса таълим жараёнининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, мактаб таълимида муайян маросим ва анъаналар муҳим ўрин тутган. Хусусан, йил давомида уч марта – Наврўз, Курбон ва Рамазон ойларида “идий” бериш одати мавжуд бўлган. Бу байрамларда ўқувчилар махсус шеър ва дуоларни ёдлаб, ота-оналаридан турли эҳсонлар олиб келганлар ва улар домлага тақдим этилган. Ота-оналар томонидан устозга тақдим этилган ҳадялар мажбурий тўлов сифатида эмас, балки фарзанднинг таълим жараёнидаги ютуқлари ва салоҳиятидан қониқиш ҳосил қилган ота-онанинг устозга нисбатан миннатдорчилик ва эҳтиром ифодаси сифатида қаралган [15.Б.7].

Манбаларда мактаб одоб-ахлоқига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Болаларга саломлашиш, катталарга ҳурмат кўрсатиш, покликка риоя қилиш каби қоидалар мунтазам ўргатилган. Бу эса мактаб босқичида таълим бериш билан бир қаторда ахлоқий тарбия ҳам устувор аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, мактаб таълими нафақат ўқитиш ва ёдлатиш орқали, балки одоб-ахлоқ қоидалари билан уйғун ҳолда амалга оширилган.

Мадраса босқичи

Анъанавий таълим тизимида мадраса босқичи мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар учун кейинги, юқори босқич ҳисобланган. Амударё бўлимида фаолият юртган мадрасалар сони масаласида М. Қарлыбаев 1-58 тагача ўзгариб турган, деган фикрни беради. [10.Б.44]

Нима бўлганда ҳам Амударё бўлимининг ҳар бир худудида мадрасалар фаолият кўрсатган. Чунки, ҳозирги кунгача тўпланган ва изланишлар натижасида йиғилган кўлёзма ва тошбосма китобларнинг барчаси мактаб давридан кейинги мадраса босқичида ўқитиладиган китоблардир. Ҳали бизнинг қўлимизга етиб келмасдан халқнинг шахсий кутубхоналарида йиғилиб ётганлари қанча, йўқолиб кетганлари қанча?! Энг эътиборлиси, мазкур кўлёзма китобларининг орасида ўз даврининг эътиборли шайхулислом даражасидаги кишилар ўқийдиган муътабар фатво китобларнинг борлиги кишини лол қолдиради. Демак, барча даврларда мазкур худудда етук олимларни ҳатто шайхулислом, қозиул қуззатларни етиштириб чиқарадиган олий даргоҳлар кўп бўлгани аниқ.

Мадрасада таълим муайян тартиб ва изчиллик асосида ташкил этилган бўлиб, ўқув жараёни асосан диний-илмий китобларни босқичма-босқич ўзлаштиришга қаратилган.

Мадрасага кирган шогирдлар, одатда, дастлаб сарф ва наҳв (араб тили грамматикаси)га оид асосий қўлланмаларни ўрганишдан бошлаганлар. Бу босқичда “Аввал илм” деб аталувчи бошланғич дарслардан сўнг “Бидан”, “Муъзий”, “Занжоний”, “Авомил” [18.Б.54] каби асарлар ўқитилган. Ушбу китоблар орқали талабалар араб тилининг грамматик асосларини эгаллаганлар.

Кейинги босқичда талабалар “Кофия” [18.Б.60] асарига ўтганлар. Бу китоб араб тили грамматикасининг мукамал қўлланмаларидан бири бўлиб, уни ўзлаштириш мадраса таълимида муҳим босқич ҳисобланган. “Кофия”дан сўнг талабалар “Шарҳ мулло” (одатда “Шарҳ мулло Жомий”) каби шарҳли асарларни ўрганиш орқали билимларини мустаҳкамлаганлар.

Бундан кейин таълим мантиқ ва фалсафа фанларига ўтган. Бу босқичда “Шамсия” [1.Б.128], “Ҳошия”, “Ақоид” каби китоблар ўқитилган. Ушбу асарлар талабаларда мантикий фикрлаш, ақидавий билимлар ва назарий тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилган.

Юқори босқичда эса фалсафа фанига оид “Шарҳ таҳзиб” [12.Б.74], “Ҳикмат ал-айн”, “Мулло Жалол” каби мураккаб асарлар ўқитилган бўлиб, улар мантиқ, фалсафа ва илоҳиёт соҳасида чуқур билим беришга қаратилган. Кейинчалик талабалар “Мишкот аш-шариф” [2.Б.95] ва “Тафсир” каби фанларга ўтганлар.

Шунингдек, фикҳ соҳасида “Мухтасар ал-виқоя”, “Шарҳ ал-виқоя”, “Ҳидоя” [13.Б.19] каби асарлар ўқитилиб, талабаларга ислом ҳукуки бўйича мукамал билим берилган.

Мадраса таълими якунида талабалар барча фанларни ўзлаштириб, устоз томонидан “ижозат” олганлар. Шундан сўнг улар мударрис, кози ёки муфтий сифатида фаолият юритиш имкониятига эга бўлганлар.

Биз ушбу ўринда Амударё бўлимидаги мактаб ва мадраса тизимида қўлланилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг тавсифи ҳамда тизими ҳақида тўхталмоқчимиз. Чунки айнан шу манбалар орқали ўша даврнинг илмий салоҳияти ва билим даражаси қай даражада бўлганини англаш мумкин.

Шунингдек, биз асосан мадраса таълим тизимида хос бўлган ўқув қўлланмаларни кўриб чиқишни лозим деб топдик. Зеро, сақланиб қолган илмий мероснинг катта қисми айнан мадраса тизимида оид адабиётлардан иборат. Мазкур қўлланмаларни янада аниқроқ ўрганиш мақсадида уларни фан йўналишларига кўра алоҳида соҳаларга ажратиб таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ушбу ўқув дастурда келтирилган адабиётлар Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг фундаментал кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи, Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи ҳамда бир қатор шахсий архивлар материаллари асосида шакллантирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, биз ушбу ўринда мадраса ўқув дастуридаги таълимнинг муҳим соҳаларига оид турларини келтириб ўтдик. Шеърят ва қиссанависликка оид адабиётлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бироқ тадқиқот доирасининг ҳаддан ташқари кенгайиб кетишини инобатга олган ҳолда ва мазкур йўналишларни келгуси мақолаларда батафсил ёритишни мақсад қилган ҳолда, ҳозирча уларнинг энг асосийлари билан чекланишга қарор қилдик.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган ўқув қўлланмалар турли соҳаларни қамраб олади. Уларнинг умумий ҳолатига кўра, қўлёзма ва тошбосма нусхалар кенг тарқалган.

Фонддаги умумий маълумотларга кўра, жами ўқув қўлланмалар сони 311 та бўлиб, улардан 77 таси қўлёзма, 234 таси тошбосма нусхалар ҳисобланади.

Асосий соҳалар куйидагича тақсимланган:

Қуръоншунослик ва тажвидга оид китоблар: Қуръон, тажвид қоидалари, қироат ва тафсир асарлари кенг ўрин олган.

Ҳадисшунослик бўйича: “Саҳиҳул Бухорий”, “Арбаъин”, “Ҳадиси қудсий” каби манбалар мавжуд.

Араб тили грамматикаси бўйича: “Кофия”, “Шарҳи Мулло Жомий”, “Кофия”, “Талхис” каби дарсликлар сақланган.

Фикҳ (ҳуқуқшунослик) соҳасида: “Фикҳи Қайданий”, “Мухтасар”, “Шарҳул Виқоя”, “Чор китоб” ва бошқа асарлар катта ўрин тутди.

Тафсир ва ақида (теология) йўналишида ҳам бир қатор қўлёзмалар мавжуд.

Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти фундаментал кутубхонасида ҳам шунга ўхшаш манзара кузатилади. Бу ерда жами 22 номдаги асосий ўқув қўлланмалар қайд этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири қўлёзма ёки тошбосма шаклда сақланган.

Бу фондда қуйидаги соҳалар етакчи ҳисобланади:

Қуръоншунослик ва тажвид

Ҳадисшунослик

Араб тили

Фикҳ (ҳуқуқшунослик)

Ақида ва тафсир

Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган ўқув қўлланмалар асосан Қуръоншунослик, тажвид ва тафсир соҳаларига оид манбалардан иборат бўлиб, улар қўлёзма ва тошбосма шаклларда сақланган.

Каталог маълумотларига кўра, ушбу тўпламда жами 9 та асосий ўқув қўлланма мавжуд бўлиб, уларнинг катта қисми қўлёзма манбалар ҳисобланади. Қўлёзмаларнинг мазмуни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

Қуръоншунослик йўналишида: “Қуръон”, “Заллатул қорий”, Иттифоқул Қуръон”, “Чанд байт бар қаваиди қурро”, “Китобул башарот фи китобил ишорат” каби асарлар киритилган.

Тажвид илми бўйича: “Муқаддиматул Жазария”, “Дуррул фарид фи тажвид”, “Чаҳли байт дар баяни махориж” каби қўлланмалар мавжуд.

Тафсир соҳасида: “Анварул танзил ва асрорут таъвил” асари қайд этилган.

Шахсий архивларда асосан Қуръон, Тажвид, Мухтасарул виқоя, Фикҳул Кайданий, Жомиъур Румуз, Шарҳул Виқоя, Ҳидая, Қудурий, Ақоиди Насафий, Фикҳул акбар каби турли соҳага оид 100 лаб китобларни учратдик.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё бўлими ва қорақалпоқлар яшаган худудларда анъанавий мактаб ва мадрасалар асосида шаклланган таълим тизими мураккаб, босқичли ва изчил тизим сифатида фаолият юритган. Мактаб босқичида савод чиқариш, Қуръон ва одоб-ахлоқ асослари ўргатилган бўлса, мадрасаларда эса араб тили, мантиқ, фикҳ, тафсир ва ҳадис каби илмлар чуқур ўқитилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мазкур таълим тизими фақат диний билим бериш билан чекланиб қолмаган, балки жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутган. Шу билан бирга, ўқув жараёнида қўлланилган китоблар ва дарсликлар Ислом дунёсида кенг тарқалган илмий мероснинг маҳаллий таълим тизимида чуқур кириб борганини тасдиқлайди.

Мадраса ва мактаб тизимидаги таълимнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, устоз-шогирд муносабатлари ҳамда анъанавий рағбатлантириш усуллари ушбу тизимнинг ўша давр жамиятида муҳим институт сифатида фаолият юритганини кўрсатади. Архив ва музей материаллари эса бу жараёнларнинг тарихий асосларини янада аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Al-Qazwini al-Katibi, Najm al-Din. Al-Shamsiyya fi al-Qawa'id al-Mantiqiyya. – Cairo: Dar al-Kutub al-‘Ilmiyya, 2001. – 128 p.
2. Ат-Табризий, Валийиддин Мухаммад. Мишкот ал-масобих. – Байрут: Дар ал-Кутуб ал-илмийя, 2003. – Б. 95.
3. Аттор Ф. Мантиқ ут-тайр. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 60–65.
4. Базарбаев Ж. Характер религиозности сельского населения Каракалпакской АССР и пути ее преодоления: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 1973.
5. Бедил А.Қ. Девон. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 112–115.

6. Бердақ. Таңламалы шығармаларының жыйнағы. – Нукус: «Қарақалпақстан», 1977. – Б. 41.
7. Дуйсенғалиев Дж. Қорақалпоғистонда маърифат ва мактаблар тарихи. – Нукус, 1970.
8. Дуйсенғалиев Дж. Постановка преподавания математики в дореволюционных школах Кара-Калпакии. – Нукус: Қорақалпақ давлат нашриёти, 1960. – Б. 3.
9. Каримов А. Ислом таълимоти ва анъанавий мактаблар тарихи. – Тошкент: Мовароуннахр, 2010. – Б. 112.
10. М. Карлыбаев Истории народного образования в Каракалпакии в XIX-начале XX века. Кан. Наук. Дисс. Нукус 1995. С. 28, 32, 44.
11. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.
12. Муҳаммад Шариф Бухорий. Шарҳ Таҳзиб. – Қўлөзма. – Тошкент: Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлөзмалар фонди.
13. Марғиноний, Бурҳониддин. Ал-Ҳидоя шарҳ Бидоят ал-мубтадий. – Байрут: Дар ал-Кутуб ал-илмийя, 2000. – Б. 15.
14. Навоий А. Хамса. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт, 1989. – Б. 35–40.
15. رسم قاعده مكتب خانه بچه كان (XIX-асрга оид қўлөзма асар бўлиб, муаллифи номаълум). – 5,7.
16. Урумбаев Ж. А. Қорақалпоғистонда халқ таълими тарихи. – Нукус, 1965.
17. Юсупов М. Анъанавий мадраса таълимида мантиқ ва калом илмлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 45, 74, 76.
18. Юсупов М. Ўрта аср мадраса таълими ва араб тили грамматикаси манбалари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 54, 60.

«MAMUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE» JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

Maqolani tayorlashda qo'yiladigan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 6 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qatorda sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 6 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новой текст начинается со следующей строки, и статья состоит из 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 6 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].